Ғани АБДУРАҲМОНОВ, ЎзФА мухбир аъзоси

# ТАРИХИМИЗГА БИР НАЗАР

НЕЧА ЙИЛЛАР мобайнида ўз тарихи, маданияти ва тилига бепарволик билан менсимай қараш, ҳадик ва қўрқув, бюрократизм ҳозирги пайтда муҳим миллий масалаларнинг кескин қўйилишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, ёшлар ҳаётий масалаларга аниқ жавоб талаб қилишмоқда. Улар миллий масалаларга, тарихга, ҳозирги социал муаммоларга бошқача назар билан қараш талабини қўймоқда. Бу масалада жумҳуриятимизда баъзи ишлар амалга ошаётир, матбуотда, телекўрсатув ва радиода, учрашувларда ахборот берилияпти. Энг муҳими, бизнинг халқдек бошқа миллатларга чинакам қардошлик муносабатида бўладиган эл кам топилса керак. Корхонада, идорада қайси миллат билан бирга ишлаяпмиз — биз учун аҳамияти йўқ, фақат маданиятимизни, тарихимизни, урф-одатимизни, тилимизни ҳурмат қилса бўлгани, она тилимизда гапирса — нур устига нур. Бу туйғу инқилобдан кейинги миллий сиёсат туфайли келиб чиқди, ота-боболаримизнинг насиҳати туфайли рўй берди, ҳатто шахсга сиғиниш, ленинча миллий сиёсатнинг қўпол бузилиш даврлари ҳам бу улуғ туйғуни барбод эта олмади. Аммо вақт ўтиб боряпти, айрим раҳбар ходимларимиздаги эскича онг, бюрократизм, юқоридан кўрсатма кутишдек иш усули давом этаётгани оқибатида кўп долзарб масалалар ечимини топмаётир. Албатта, ёшларнинг барча талабларини дарҳол ҳал қилиб бўлмайди, баъзи масалаларни эса умуман тушунтириш, изоҳлаб бериш керак. Бу муҳим ишга мутахассислардан тортиб, партия, совет идораларининг етакчи ходимларигача фаол жалб этиш лозим.

## ТАРИХ ВА ТАҚДИР

1988 йил 20—23 ноябрь кунлари Москвада СССР Фанлар академияси тарих бўлимининг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенези» масаласига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидан бу конференцияга 20 дан ортиқ тарихчи, этнограф, филолог олимлар қатнашди. Анжуман Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенезига оид қилинаётган илмий ишларнинг аҳамиятини қайд этиб, бу соҳада мунозарали масалалар, ҳали ишланиши зарур бўлган муаммолар кўп эканлигини таъкидлаб ўтди ва олимларнинг диққатини ана шу масалаларни ечишга қаратди. Бу муҳим муаммоларнинг ҳал бўлиши учун турли соҳа мутахассислари — тарихчилар, этнографлар, археологлар, тилшунослар, географлар ҳамкорликда иш кўришлари зарур. Ўрта Осиё ва Қозоғистон олимлари биргаликда иш олиб борганларидагина бу соҳада холис ва асосли хулосаларга келиш мумкин.

Ҳақиқатан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этногенези, тилининг шаклланиши ҳамда маданияти тарихини аниқ белгилаш ҳозирги кунда миллий муносабатларда рўй бераётган баъзи келишмовчиликларни бартараф қилишга ҳам ёрдам беради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихига доир муаммолардан бири — тарихимизда бунёд этилган ажойиб асарларнинг қайси бир халққа, асар муаллифи қайси миллатга мансублиги масаласидир.

Бундай муаммолар бошқа машҳур ёзма ёдгорликларга ҳам таалуқлидир. «Девону луғатит турк» (XI аср), «Қутадғу билик» (XI аср), «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (XII аср), «Тафсир» (XII—XIII асрлар), «Қиссас ул-анбиё», «Ўғузнома», «Муҳаббатнома», «Хисрав ва Ширин», «Қиссаи Юсуф» (XII—XIV асрлар) каби ёзма ёдгорликлар шулар жумласидандир.

Бу ерда асосий масала буюк алломаларнинг қайси миллатга мансублигини аниқлашда эмас (улар ўз асарларини, асосан, ўша замонлар расмий тили — араб тилида ёзганлар), балки буюк асарлари билан Ўрта Осиё халқлари тарихига, умумбашарият фанига қўшган ҳиссаларидир. Масалан, Улуғбекнинг йил, ой, кун, соатлар бўйича ҳисоби, юлдузлар жадвали ҳозирги аниқ ҳисоблардан бир неча секундларгагина фарқ қилади. Буюк қомусий олимларнинг асарлари Шарқда ва Ғарбда XVII асрдан бошлаб математика, астрономия, жуғрофия, тиббиёт каби фанларга асос солди ва олимлар учун қўлланма, талабалар учун дарслик бўлиб хизмат қилди.

ЮНЕСКО Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллигини, Ал-Берунийнинг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Афсуски, буюк авлодларимиз тўғрисида мақолалар, рисолалар, китоблар кам ёзиляпти, уларни кам ўрганяпмиз, кам тарғиб қиляпмиз.

Кинофильмларимизда тарихий шахслар, айниқса, подшолар, хонлар, лашкарбошилар эсипаст, талончи, золим қилиб тасвирланади, алломалар эса кам кўрсатилади. Яқинда машҳур кинорежиссёримиз Латиф Файзиев билан суҳбатда, нега А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи бўйича олинган фильм бир серия, кўп қизиқ, муҳим эпизодлар тушиб қолган, уни кўп серияли қилиб қайта ишланса яхши бўларди, деган фикримизга, бунга ҳукумат пул бермаяпти(?), талантли киноартистларимиз ҳам йўқ(?) деб жавоб берди. Кўп серияли Ҳамза ҳақидаги фильм шу аҳволда қандай экранга чиқиб кетди, деган саволимизга у киши жавоб бермай қўя қолдилар... Шубҳасиз, шошма-шошарлик билан тайёрланган кинофильм ёки китобларни ҳеч ким тоқат қилиб кўргиси, ўқигиси келмайди.

Республика Шарқшунослик, Қўлёзмалар, Тарих илмий текшириш институтларида, музейларда 50 минг жилдга яқин қўлёзмалар тахланиб ётибди. Бундан ташқари юзлаб нодир қўлёзмалар СССРнинг бошқа кутубхона ва институтларида, чет эл кутубхона ва музейларида сақланади. СССР ФА мухбир аъзоси Э. Юсуповнинг айтишича, бу қўлёзмаларни нашр этиш ва ўрганиш учун тўрт минг йил керак бўлади.

Албатта, тарихий ёзма ёдгорликларнинг танқидий-илмий матнларини нашр этиш, уларни ўрганиш учун пухта мутахассислар керак. Афсуски, талабларга жавоб бероладиган мутахассисларни университет етиштириб чиқармаяпти, илмий идораларда ишлаб турган яхши мутахассисларнинг кўпи оламдан ўтди, кўпининг ўртача ёши 60—70 дан ошиб бораяпти. Бу соҳада ҳаммани қийнаётган нарса эски ўзбек (араб) алифбосини билмаслик. Аслида 1918 йили анча соддалаштирилган араб графикасидан воз кечиб, лотин графикасига ўтишимиз бир хато бўлди. Сўнгра ундан ҳам воз кечиб кириллицага ўтишимиз иккинчи хато бўлди. Энди академик Мусо Зиёевич Бунёдовнинг гапига кириб («Огонёк», 1988 йил, 45-сон), яна эски ўзбек (араб) алифбосига қайтсак, учинчи хато бўлар эди. Ҳар ҳолда орадан ўтган салкам 50—60 йил мобайнида кўплаб илмий-адабий ва бошқа соҳаларга оид асарлар, кўплаб луғатлар чиқарилди-ку! Бундан, эски ўзбек (араб) ёзувидан бутунлай воз кечиш керак экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Эски ўзбек тили ва ёзуви филология, тарих, ижтимоий фанлар каби факультетларда ўқитилиши, зарур ўринларда тўгараклар очиш мўлжалланди ва айрим ўқув юртларида иш бошлаб юборилди. Энди кадрлар тайёрлашнинг эски услубига кўчиб, юқори малакали мутахассис олимлар ҳар 1—2 йилда 4—5 тадан шогирд тайёрлаб беришса, бу соҳадаги ишларимиз тез ривожланиб кетади.

ЎРТА ОСИЁ ва Қозоғистон территориясида яшаб турган ўзбек, қозоқ, уйғур, туркман, қорақалпоқ, тожик халқларининг этногенезини аниқлашдаги муҳим муаммолардан бири — бу халқларнинг шаклланишига **асос бўлган уруғлар ва уруғ бирлашмалари, уларнинг жойланиш ўринлари** масаласидир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида истиқомат қилган қадимги (мелоддан VIII асрлар аввал) уруғ ва қабилалар (ёки қабила бирлашмалари) массагетлар, саклар (эрон манбаларида шаклар), суғдийлар, хоразмийлар бўлгани қадимги юнон, рим, эрон, хитой, ҳинд, араб манбаларидан маълум. Бу ва кейинги даврда тарихий ҳолатни археологик қазилмалар, топонимик номлар ва этнонимлар, диалектологик ва фольклор материаллари ва қадимги ёзма ёдгорликлардаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Массагетлар Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимида, сак (шак)лар эса массагетлардан шарқроқда — ҳозирги Қозоғистон ва Шарқий Туркистонда, Аму ва Сирдарёнинг Шимолидан тортиб, то Жанубий Сибир ерларигача бўлган чўлу биёбонларда яшаганлар. Бундан ташқари мелодгача яшаган қабила ва уруғлар жойлашган ўлкалар улар номи билан номланган: Суғдиёналиклар (ҳозирги Зарафшон водийси), хоразмликлар (ҳозирги Хоразм — Амударёнинг қуйи оқими), бақтрияликлар (Ҳисор водийси ва унинг Жануби, Сурхон-Шеробод водийси), чочликлар (Тошкент водийси), парконаликлар (Фарғона водийси) каби.

**Суғд** қабилалари айтиб ўтилган қабилалар орасида тарқоқ ҳолда истиқомат қилганлар. Бу уруғ ва қабилаларнинг кўпининг тили эрон группасига кирувчи тил бўлганини кўпчилик олимлар тахмин қиладилар.

Қадимги уруғ ва қабилалардан ёзма ёдгорлик қолган эмас, фақат суғд ёзувлари билан битилган айрим манбалар бизгача етиб келган.

Эрон группалари билан баробар, Суғдиёнанинг катта бир қисмида — Сирдарёнинг ўрта оқимида туркий тилда сўзлашувчи этник группалар (асосан, **қангуй ёки қанглилар**) яшаган ва Қангуй ёки Канҳа давлатини ташкил этганлар.

Катта қабила ёки уруғ бирлашмаларини ташкил этган қадимги массагетлар саклар қайси тилда сўзлашгани бизга номаълум. Тарихий, манбалар бу этник группаларнинг номларини, жойланишини, баъзи урф-одатларини ва қилган айрим ишларини тилга оладилар, холос. Археологик қазилмаларда Панжакентдан топилган суғд тангаларига зарб урилган **«Грирей жабғу, катфуз жабғу»** сўзларига қараб, О. И. Смирнова суғдлар турк тилида сўзлашганлар, деган хулосага келади. Суғд ҳокимлари ва лашкарбошиларининг кўпи турклар бўлгани ҳам кўрсатиб ўтилади (қаранг: История Узбекской ССР, «Фан», Т., 1967). Машҳур тарихчи Ат-табари ҳам суғдларнинг бошлиғи турк эди, деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам, **«Йабғу // йафғу»** сўзи фонетик ва морфологик структурасига кўра туркий сўз бўлиб, Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида бу сўзнинг маъноларидан бири — хондан икки даража паст бўлган ўринни эгаллаган мансаб ёки мансабдор деб тушунтиради (Маҳмуд Кошғарий, «Девону луғатит турк», III жилд). Этнограф Э. В. Ртвеладзе Бақтрия аҳолисини туркий деб, баъзи ўринларда эроний тилда сўзлашувчи аҳоли ҳам бор эди, деган хулосага келади («Проблеми этногенеза и этнический истории народов Средней Азии и Казахстана», М., 1988).

Албатта, бир сўзга қараб, халқнинг тили қайси тиллар оиласига мансублигини айтиш қийин, аммо бу мулоҳазани эътиборга олмаслик ҳам мумкин эмас. Ҳар ҳолда XI асрга қадар Мовароуннаҳр ва Еттисувда асосий, етакчи уруғлар турклар бўлган. Бу ерга янги-янги туркий уруғларнинг кириб келиши эса маҳаллий туркий уруғларнинг мавқеини ва тилини мустаҳкамланишида катта хизмат қилган.

Мовароуннаҳр туркий халқларининг шаклланишида катта хизмат қилган иккинчи қатлам — Марказий Осиёдан кўчиб келган **юечжи** (кушанлар ёки тохарлар) қабила бирлашмалари (мелоддан III — II асрлар аввал), **хуннлар** (мелодгача II ва мелодий IV асрлар) ва **эфталит** (V — VI асрлар) қабила бирлашмалари бўлган. Бу қабилалар туркий бўлиб, кушанлар Кушан давлатини, эфталитлар Эфталит давлатини ташкил этадилар.

Умуман, VIII—X асрлар мобайнида Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида учта катта уруғ бирлашмаси мавжуд эди: 1. яғмо, чигил, тухсин ва бошқа уруғлардан таркиб топган **қарлуқ бирлашмаси;** 2. Еттисувдаги бир қатор туркий уруғлар ва Ғарбий Сибирдаги баъзи ҳинд-европа ва фин-угор тилларидан ташкил топган **ўғуз бирлашмаси;** 3. турли туркий ва бошқа уруғлардан ташкил топган **қимақ бирлашмаси** (кейинроқ қимақлардан қипчоқлар ажралиб, ўз бирлашмасини ташкил этади).

Бу катта уруғ бирлашмалари, асосан, даштликларни эгалладилар, Еттисув ва Шарқий Туркистондаги ўтроқ туркий уруғлар билан суғд қабилалари ва уларнинг тилларини бирлашиши жараёни давом этди. Туркий уруғ бирлашмаларининг бу ҳукмдорлиги X—XI асрларга келиб тугатилди ва ўрнига қипчоқ ва қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилди.

Туркий уруғларнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонга кўчиб келиши турк хоқонлиги (VI—VIII асрлар), Тяньшан ва Фарғона водийсининг шимолида барпо бўлган Қипчоқ давлати (IX—X асрлар), Қорахонийлар давлати (XI асрнинг биринчи ярмидан XII асрнинг бошларигача) даврларида ҳам давом этди ва энг сўнгги қатлам Дашти қипчоқда истиқомат қилган ва XVI аср бошида Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга кириб келган ўзбек уруғлари бўлди. Юнон (мелоддан олдинги III асрлар) ва араблар (VIII аср боши — IX асрлар), сомонийлар (IX — X асрлар) ҳукмронлиги давомида маҳаллий халқларнинг қиёфаси, маданияти ва тилида катта ўзгаришлар рўй берган эмас. Аммо турк ва тожик уруғлари яқин яшаган ўринларда ўзбек-тожик икки тиллилиги фаоллашди. Бу жараён сомонийлар давлатидан (IX — X асрлар) бошланиб XV асрларга келиб тезлашди. Умуман, сомонийлар давлати таркибида эрон ва туркий тилларида сўзлашувчи халқлар истиқомат қилган.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида икки тил — туркий ва шарқий эрон, сўнгра тожик тиллари қўлланиб келинди. Бу тиллар туркий (жумладан, ўзбек) ҳамда тожик халқларининг шаклланишига асос бўлди. Этнографларнинг фикрича, «Деярли минг йиллар давомида туркий тиллар Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг асосий қисмида эрон тилларининг ўрнида қўлланиб келинган» (Андрианов П. В. «Проблеми этногенеза...»).

Ҳар ҳолда энг қадимги даврда (мелоддан олдинги бир мингинчи йиллар) Ўрта Осиё ва Қозоғистон территориясида (торроқ қилиб айтганда, Мовароуннаҳрда) истиқомат қилган массагет, сак, суғд, юечжи, қангли) қангуй ва бошқа уруғ, қабила ва уларнинг бирлашмаси ҳозирги туркий (ўзбек, қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман, қорақалпоқ) ҳамда тожик халқининг шаклланишида ибтидоий, биринчи асос бўлганлар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг келиб чиқиши ва тилининг шаклланиши қайси даврда рўй бергани олимлар орасида мунозарага сабаб бўлиб келаётган муҳим масалалардан биридир. Халқлар тарихини ишлашда асосий камчилик шуки, ҳар бир олим (ўзбек, тожик, қозоқ ва бошқа) ўз миллатининг қадимийроқлигини исботлашга, баъзи муҳим тарихий фактлардан кўз юмишга ёки уни ўз фикрига мослаштиришга интилди. Кўринадики, бу масалани комплекс ҳолда ишлаш, бунинг учун турли ижтимоий фан мутахассисларини жалб қилишга эътибор қилинмади.

Давоми еттинчи бетда

## ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

# СЎЗ МАНТИҚИ — ФИКРЛАШ КАЛИТИ

ОШКОРАЛИК сабоқлари негизида адабий тилни, унинг функционал-стилистик қурилишини қайта ташкил этишдек мураккаб муаммо табиий равишда нутқ маданиятининг асоси ҳисобланмиш норма ва нормалаштириш масалаларига бориб тақалади. Чунки расмий ёки илмий нутқ услубининг ўзига хос луғатини қайта ташкил этиш жараёни адабий тилнинг шу пайтгача қарор топган умумий услубий тартибланишига ҳам, сўз бойлигининг қўлланишига кўра стилистик табақаланиши (хосланиши) табиатига ҳам муайян ўзгаришлар олиб кириши шубҳасиз.

Давлат тили мақомини кун тартибига қўйган тил сиёсати адабий тил имкониятларининг янгича тармоқланишини тақозо этмоқда. Матбуот тилидаги «унутилган» сўзларни истеъмолга олиб кириш, янги сўз ва ифодалар «излаб топиш» ҳаракати мана шу жараённинг бошланиши холос. Бироқ бу жараёнга бўлган муносабатимизнинг бир хил эмаслиги ҳам аён бўлиб қолди. Чунончи, **вилоят, ноҳия, музофот, жумҳурият, тегара, туман** каби «эски» сўзларни матбуот саҳифаларида фаоллаштирилишини бир томон маъқулласа, иккинчи томон тақиқлашга уринмоқда.

Ҳар қандай қатъий барқарор норма ҳам маълум ўзгаришларга учрайди. Нормани ўзгармас дейиш ҳар қандай янги сўзга, сўзни янгича қўллашга қарши чиқишга (пуристик йўналишга) олиб келади. Бундай консерватив йўналиш нормаллаштириш жараёнидаги лисоний ихтилофларда (сўз қўллашдаги низо) муросасозлик билан анъанавий мезонга ён босади.

Ўз навбатида, тилга олиб кирилаётган ҳар қандай янги сўзни «қучоқ очиб» қарши олиш (неологик ёндашиш) ҳам ўзини оқламайди. Ҳозир биз бунинг оқибатини кўриб, ҳис этиб турибмиз. Шундай экан, сўз қўллаш эркинлигида ҳам меъёр бўлиши ва унинг жамоатчилик нутқ фаолияти синовига асосланиши зарур. Чунки тил халқнинг умумий мулки. Жамият ўз тилига лоқайд қарай олмайди. Адабий тилимиз тақдири учун, ҳар биримиз ва барчамиз масъулмиз. Лекин алоҳида шахс адашиши мумкин. Шу боис муайян сўз, атаманинг нормага муносабатини қатъий тарзда белгилашга, уни қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида кескин ҳукм чиқаришга шошилмаслик лозим. Ҳозир биз учун муҳими, тил луғат бойлигининг қўлланиши, стилистик табиати, нутқ амаллари учун қанчалик уйғунлиги ва зарурлиги нуқтаи назардан яна бир бор кўздан кечириб чиқиш, шу асосда улардан фойдаланишнинг умумий йўналишларини ва манбаларини белгилаб олишдан иборат. Бунда, энг аввало, ошкоралик туфайли қарор топган ленинча тил сиёсати принципларидан келиб чиқиб иш тутиш, бинобарин, қайта нормаллаштириш жараёнига мажбурийлик, тақиқлаш нуқтаи назаридан ёндашмаслик лозим.

Сўзларнинг тил луғатига кириш-кирмаслигини бевосита нутқ амалининг ўзи белгилайди. «Тил сандиғи»да («Ёшлик» журнали) шева ва лаҳжалардаги оҳори тўкилмаган сўзларни қайд этилиши яхши. Бу ҳам савоб иш. Аммо улар ёзма ёки оғзаки нутқда ишлатилмас экан. адабий тил хазинасидан ўрин олмайди. Алибек Рустамов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасидаги (1989 йил, 17 ноябрь сони) чиқиқишида айтганларидек, «Ҳамма сўзларни ишлатавериш лозим. Аввал тартибсизлик (демак, анъанавий нормадан четга чиқиш) бўлади. Бу табиий ҳол. Кейин изга тушиб кетади. Шунинг учун классик адабиётимиз сўзларини ҳам, шеваларга оид сўзларни ҳам ишлатаверайлик. Ишлатганимиз сайин сўзларнинг маънолари аниқлашиб бораверади». Шундагина сўзлар ёки маънода идрок этилаётган «эски» сўзлар оғзаки ёки ёзма нутқ деб аталмиш лабораторияда чархланиб, синовдан ўтади. Сўзлар ўртасидаги синонимик ёки ассоциатив алоқадорлик қанча кучсиз бўлса, уларни идрок этиш ҳам шунча оғир кўчади. Буни **ноҳия** сўзининг «қаршиликка» учрашида кўриш мумкин. Шу сабабли газетада бундай «нотаниш» сўзларни ишлатганда, уларнинг маъносини (лоақал қавс ичида фаол синонимини келтириш йўли билан) тушунтириб берса ёмон бўлмайди. «Сўзлар маъносини аниқланг, шунда сиз дунёни ярим чалкашликлардан холос этасиз». (Декарт).

Яна бир мулоҳаза. Тил луғатидаги архаизм ва историзмларни «тирилтириш», фаоллаштиришга бўлган интилиш доимий хусусият бўлмай, муайян ижтимоий шароитдагина жонланиши мумкин. Бу ўринда «эски» сўзларни ишлатиш, уларнинг маъносини жадаллик билан қайта фаҳмлаш ҳаракати 60 йилларда ҳам маълум даражада юзага чиққанлигини эслашнинг ўзи кифоя. Ўша пайтда ҳам **қомус, дорилфунун, байналмилал, талаба, кимё, муаллиф, муҳаррир, мунаққид, мутаржим** сўзларини қўллашни тақиқлаш ҳаракати бўлган. Шунга қарамай, бу хил сўзларнинг кўпчилиги ҳаётга йўлланма олган эди. Айни пайтда **энциклопедия, университет, интернационализм, студент, химия, автор, редактор, танқидчи, таржимон** сўзлари тилимиздан бутунлай чиқиб кетгани йўқ, бемалол ишлатиляпти. Шу сабабли **район, область, республика** каби сўзлар истеъмолдан чиқариб ташланмоқда, деб ташвишланиш ортиқча. Агар, ҳақиқатан ҳам, сўзлар мантиқи — фикрлаш калити экан, биз фақат «эскилик» тамғасида тасаввур этаётган сўзларсиз миллий маънавий қадриятларимизни тўғри ва тўлиқ идрок эта оламизми? Мана, деярли 30 йилдан бери матбуотда, бадиий адабиётда **бекат** сўзи ишлатилиб келинишига қарамай ҳануз оғзаки сўзлашув мулкига айлангани йўқ. Сўзлашувда ҳамон, «астановка» қўлланмоқда. Лекин «бекат» ёзма адабий тили луғатидан қатъий ўрин олди. Бу ҳол айримлар ташвишланиб гапираётган «босқинчи» эски сўзлар тақдирида ҳам такрорланса ажаб эмас. Шу асно она тил деб аталмиш буюк дарё лиммолим тўлиб оқса ёмонми? Қирғоғидан ошиб-тошиб, ҳар қандай дарё ҳам бора-бора тиниқлашиши сир эмас-ку!. Шундай экан, унинг оқимига халақит бермай турайлик.

Ҳаётдаги, фикрлаш соҳасидаги ўзгаришлар, янгиликларнинг аксарияти қисман, демак, уларни номлаш, аташдаги изланишлар ҳам дастлаб матбуот тилида акс этади. Инсоннинг фазога биринчи парвози туфайли ўзбек матбуоти **космонавт** атамаси ўрнида қўлланиш ҳуқуқини «талашган», **фазокор, фазогир, самогир, осмонгир, оламгир, шаҳбоз, фазо лочинлари, космосни забт этувчилар** каби сўз ва ифодаларни қўллагани маълум. Шу ўринда **юмшоқ, қўниш, оҳиста қўниш, секин қўниш** (мягкая посадка) («Лунаход»нинг ойга қўниши билан боғлиқ), **ўта зўриққан кучлар, юкланишлар** (нагрузка), **чала ўтказгич, ним ўтказгич, ярим ўтказгич** (полупроводник), **чала масаллиқ, ним масаллиқ, ярим масаллиқ** (полуфабрикаты) сингари ўгириб олинган атамаларни ҳам эслаш мумкин. Табиий саралаш оқибатида **фазогир, секин қўниш, ярим ўтказгич, ярим масаллиқ** луғатдан ўрин олди. Матбуот тилидаги ҳозирги параллел қўлланишларда мана шунга ўхшаш сараланиш юз бериши ёки қўлланиш шароити, нутқ соҳаси, маъно қирралари, услубий бўёғига кўра табақаланиши — ишлатилиш вазифаси жиҳатидан фарқланиши табиий бир ҳол.

СЎЗЛОВЧИ ва тингловчининг ҳам, ёзувчи ва ўқувчининг ҳам онгидаги ўзгаришлар ўтмишимиз ўз ичига олади. Халқ матбуотни маданий нутқининг намунаси сифатида билиб, ундан сўз ўрганади. Матбуот ахборот манбаигина эмас, ҳаётни, маданиятни ўрганиш манбаи ҳам, у лингвистик таълимнинг амалий намунаси ҳам. Шу нуқтаи назардан «вилоят», «жумҳурият» каби сўзларнинг ишлатилиши ўзини оқлайди.

Тақиқлаш, ман этиш фанда ҳам, тилда ҳам турғунликни бошлаб келади.

Айрим сўзларни уларнинг асли бошқа тилдан (масалан, араб форс ёки рус) олинганлигига, этимологик маъноси билан айнан мос эмаслигига асосланиб, таомилга олиб кирилишига қарши чиқилмоқда. Аммо соф тил асл соф ўзбекча сўзлар ёки қатъий, барқарор норма дегани эмас-да! Соф тил, бу энг аввало бой тил, функционал-статистик жиҳатдан ранг-баранг ва умумий нутқий маданияти юқори даражадаги тил. Соф-аралаш, тўғри-хато, яхши-ёмон, аниқ-ноаниқ тарзидаги баҳолашлар бевосита тилга нисбатан эмас, нутқ фактларига даҳлдор. Бунинг устига норма бор жойда нормадан чекиниш ҳоллари ҳам мавжуд бўлади. Буларнинг барчасини ёппасига хато, деб баҳолаш ҳам мантиққа зид. Нутқ маданияти мезонлари ҳақида гап кетганда фақат нормагагина эмас, балки айни шу нутқ амалининг, матннинг ёки унда ишлатилган сўз, ифоданинг қанчалик ўринли, мақсадга мувофиқ эканлигига асосланиш тўғри бўлади. Чунончи, матбуотда **спортсмен, саҳронавт, кулгископ, хандобус, мушТАҒ** каби тасодифий сўзлар ясалиб, маълум вазифаларда қўлланилган. Бундай тасодифий нутқий ҳодисаларни (оккозионизмлар), агар улар стилистик жиҳатдан асосли бўлса, услубий норма рад этмайди. Улар тил луғати мулкига киритиш учунгина ясалган эмас. Тўғри, булар умумадабий норма ҳам эмас. Лекин шунинг учунгина уларни ишлатмаслик керакми? Афсуски, матбуот, бадиий адабиёт тилида бу хил ижод қилинган оҳори тўкилмаган ясалишлар, қўлланишлар ниҳоятда кам учраяпти. Бу тилдан фойдаланишдаги эркинликни, ижодкорликни норма ниқоби билан чеклашнинг «самараси» эмасмикан?

Тўғри, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, психологик-прагматик омиллар айрим сўзларни «собиқ» қилиб қўйиши, уларнинг ўзига хос стилистик ранг бериши тил тараққиётидаги қонуният. Аммо маълум ижтимоий шароитда «ислоҳ» қилиниб, «собиқ» бўлган сўзлар бошқа бир шароитда тил луғатининг фаол «фуқаро»сига айланиши ҳам ўшандай объектив қонуният саналади. Буни **иймон, савоб, домла, хўжайин** каби сўзлар мисолида аниқ кўриш мумкин. Матбуот тилидаги шу кунги ўзгаришларда ҳам мана шу хусусият мавжуд, лекин бу жараёнга (у маълум барқарор натижага эришгунча) муносабатларнинг турлича бўлиши ҳам ғайриодатий ҳол эмас.

Дарҳақиқат, тил ажойиб нарса. Бу унинг умумхалқ мулки, нутқий фаолиятнинг умумий воситаси эканлигидагина эмас. Унинг ажойиблиги бу умумий мулкнинг аниқ нутқ амалларида минг хил ранг ва оҳангларида товлана олиш имконияти билан ҳам боғлиқ; тил кишиларнинг тилдаги сўзларни билиш, тажрибаси, мавқеи, маслагидан келиб чиқиб муайян мақсадда ўзича фаҳмлаш, «қайта бичиб, қайта яратиб» олиш манбаи эканлиги билан ҳам тенгсиз ва чексиз қудратга эга.

Сўз танлаш ва қўллаш мезонлари ҳамма вақт ҳам уларнинг келиб чиқиши (қайси тилдан олинганлиги) ва этимологик маъноси билангина белгиланмайди. Муайян сўз (масалан, **район, ноҳия, область, вилоят**) асли фалон тилники ва бу тилда асли пистон маънода қўлланган, деган мулоҳазалар эса уларнинг ҳозирги ҳолатидаги «хулқ-атвори»ни тайин этувчи асосий ўлчов бўлавермайди. Сўз танлаш ва сўз қўллашга муносабат норма мезонларини қандай тушуниш билан ҳам бевосита боғлиқ. Ижтимоий жиҳатдан хилма-хил лингвистик муҳитда норма кўп қиррали моҳият касб этади. Шунга кўра, барча учун бир хилда умумий ва мажбурий норма бор, деган қарашдан воз кечиш керак. Ўзбек тилининг ҳозирги график ва орфографик пунктуацион нормаси барча учун умумий ва мажбурийдир. Аммо сўз қўллаш, сўз ясаш нормаларини булар каби қатъий ва кескин тарзда тайин этиб бўлмайди. Умумадабий нормаларни лисоний йўналишда қатъий қайд этиш мумкин бўлса ҳам, нолингвистик планда буни амалга ошириб бўлмайди. Чунки, умуман абстракт ҳолдаги нутқ йўқ, у ҳар доим маълум бир шароитда ва маълум бир вазифани амалга ошириш мақсадида юзага келади. Нутқий шароитларнинг барчаси учун яроқли умумий ва ягона мезон эса йўқ. Ахир, Абдулла Қаҳҳорнинг «Нутқ» фельетони қаҳрамони сингари мажлисда ҳам, уйда, оилада ҳам бир хилда гапириб, бир хилда ёзиб «бўлмайди»-да!

СЎЗЛАР ТАБИАТИДА, бу хусусиятни услубий стилистик мезонлар асосидагина тўғри баҳолаш мумкин. Буларсиз нутқ маданиятининг назарий асосларини ишлаб чиқиш қийин. Ўзбек адабий тили функционал нутқ типларининг стилистик нормаларини ўрганиб чиқишнинг, уларга хос умумий услубий мезонларни белгилаб беришнинг зарурлиги ҳам шунда. Услубий мезонлар — стилистик нормалар эса бевосита нутқшуносликка, услубиятга даҳлдор муаммо. Шу боис, ўзбек тилини функционал стилистика нуқтаи назардан тадқиқ этишни, стилистикага оид дарслик ва қўлланмалар яратишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Демак, мактабларда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам қатъий нормативликка асосланган «нутқ маданияти» курси эмас, стилистика ўқитилса самаралироқ бўларди. Чунки грамматика тилни билишга, уни тушунишга ўргатса, стилистика ундан фойдаланишга, нутқ маҳоратига ўргатади. Билим ва маҳорат қўшилиб, кишининг ҳақиқий нутқий маданиятини белгилайди.

Ирисали ТОШАЛИЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент

# ТАОМИЛДАГИ БИР КАЛИМА

Ўзбекнинг ўзбеклигини билдирадиган уч хислат тез кўзга ташланади. Бу — бошдаги дўппи, юздаги илиқ чеҳраю ахлоқ. Бу — каттаю кичикнинг бир-бирини кўрганда ўнг қўлини юрак устига қўйиб «Ассалому алайкум», дея ҳол-аҳвол сўрашиши.

Биз жумҳуриятимиздан ташқарида бўлганимизда, бу каби урф-одатларимиз билан фахрланамиз. Аммо, минг афсуски, ўз уйимизда уларнинг бирортасига ҳам тўла амал қилмаймиз.

Тасаввур қилинг, уйдан яхши кайфият билан ишга отланиб, бекатга келдингиз. У ердаги 20—30 чоғли одамнинг салкам ярми қора кўзлар, сизнинг лаҳжангизни тушунадиган кишилар. «Ассалому алайкум», дейсиз уларга қимтиниб. Бироқ ҳамма жим. «Фалон транспортга охири ким?» дейсиз. Яна жимлик. Диққатингиз ошади.

Ишхонага келасиз. Ҳамкасбларингизга қўл узатиб «Ассалому алайкум». дейсиз. «Салом, қалай?» дейди бири. «Қандай? Яхшимисиз», дейди бошқаси. Шу билан ҳамма ўзича қарзини узган бўлади...

Кечқурун ҳориб-чарчаб уйга қайтасиз. Хотинингиз эшик очади. Бироқ «Ассалому алайкум», деб кутиб олиш ўрнига «Бугун уйда гўшт йўқ эди, айтиш эсимдан чиқибди», дейди. Ичингизда нимадир узилгандек бўлади...

Энди ўтмишга бир назар ташлайлик. Ҳали инқилоб шабадалари етиб келмаган, ҳали европача кийиниш, ясаниш-тусаниш нималигини билмаган аждодларимиз кунлик таомилга рисоладагидек амал қилишган. Эр ҳуржунни от ёки эшакка ўнгариб уйдан чиқаётганда хотини унга қараб икки қўлини кўксига қўйган ҳолда хиёл эгилиб, «Ассалому алайкум, яхши бориб келинг», деган. Эр ҳам унга «Ваалайкум ассалом, яхши ўтиринглар», дея табассум билан йўлга равона бўлган.

Ҳикоят қилишларича, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ушбу калимани ниҳоятда чиройли талаффуз қилар эканлар. Саҳобалар, Макка аҳли доимо пайғамбарни кўрганда биринчи бўлиб салом беришга ошиқишаркан, лекин ҳар гал Муҳаммад алайҳиссалом биринчи бўлиб салом берарканлар.

Хўш, бу калиманинг меъноси-ю баракаси нима? Маъноси шуки, ассалому алайкум — сизга Оллоҳдин тинчлик, осойишталик, саломатлик тилайман, дегани. Ваалайкум ассалом — сизга ҳам Оллоҳдан шу хислатларни тилайман, демакдир. Баракаси шуки, бу калимани тўлиқ талаффуз қилганда кишиларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатлари, ҳурматлари ортади. Биз шу пайтгача Қуръонда ундай дейилган, бундай дейилган деб ўзимизча фол очиб келдик. Қуръоннинг бир сатрини ҳам ўқий олмайдиган кишилар унга шунчалик туҳматлар қилишдики, оқибатда бу муқаддас китоб ўтларда ёқилди, кўмиб ташланди, сувларга оқизилди. Гўё шу билан залолатдан қутулиб, маърифатга, хурофотдан қутулиб маданиятга эришмоқчи бўлдик.

Таомилдаги калимани Қуръонга нима дахли бор экан, деб ажабланаётгандирсиз. Биз таомилимиздаги, маданият ва ахлоқ-одобимиздаги кўплаб хислатлар




азалдан Қуръон оятларида нозил бўлганлигидан бехабармиз. Ислом динининг оиладаги тарбияда тутган ўрни ниҳоятда беқиёс эканлигини шу пайтғача тан олмай келдик.

Қуръоннинг тўртинчи сураси бўлмиш Нисо сурасининг 86-оятида бутун таомилимиздан йўқолиб бораётган ёки чала бўлиб қолган салом калимаси ҳақида ҳикмат қилинади. Мана ўша оят: «Ва изо ҳуййинтум битаҳийятин фаҳайю биаҳсана минҳо ав-руддуҳо, инналлоҳа кона аъло қулли шайин ҳасийбо» — «Агар сизларга салом берилса, ундан чиройлироқ қилиб ёки ўзидек қилиб жавоб қайтаринглар. Олло-таоло ҳамма ишларни ҳисобга олиб тургувчидир». Ана шу оят туфайли ҳам ота-онамиз бизга ёшлигимизданоқ «Катталарга салом бер, болам, салом бериш худонинг қарзи», деб уқтиришган. Масалага янада жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, бундан 70—80 йил олдин қолоқ чекка қишлоқда бўлсин, косибчилик, ҳунармандчилик ривожланган одамлар билан гавжум шаҳарда бўлсин, икки ўзбек бир-бири билан учрашганда қўлини кўксига қўйиб «Ассалому алайкум», деган. Иккинчи биродари унга табассум билан «Ваалайкум ассалом, вараҳматуллоҳу вабарокоту» деган. Оилада ҳам хотин эрни, фарзанд отани, мезбон меҳмонни худди шу калима билан қарши олган. Тавозе билан яна шу калимани айтиб кузатиб қўйған.

Таомилдаги калима, таомилдаги ахлоқ-одоб, таомилдаги меҳмон-дўстлик — буларнинг барчасининг илдизи қадим-қадимга бориб тақалади. Тан олиб айтадиган бўлсак, Ислом таълимоти билан узвий боғлиқ тушунчалар булар. Бугун биз Исломнинг тарбиявий аҳамияти, маънавиятда тутган ўрни ҳақида гапираётган эканмиз, ушбу диндаги оқ рангни оқ, қора рангни қоралигича тасаввур қилмоғимиз жоиз. Муҳаммад алайҳиссалом инсонларни яхши йўлга бошлашга даъват этиб, кўплаб хайрли сўзлар айтганлар. Жумладан, Ҳадисаларидан бирида шундай дейдилар: «Ҳуснул хулқи, нисфуд дийни», яъни: «Хулқнинг чиройли бўлишлиги диннинг ярмидур». Демак, динга эътиқод қўйган кимса учун фақат тоат-ибодат жоиз эмас экан, балки биринчи навбатда хулқ-атвори ҳам аъло бўлиши керак экан. Акс ҳолда, унинг қилаётган ибодатидан фойда йўқроқ кўринади. Шунингдек, таомилдаги калимани қай йўсинда талаффуз қилиш ҳам киши хулқини намоён қилувчи бир нисбатдир.

Яқинда Сариосиё ноҳиясидаги сайловолди йиғилишида қатнашдим. 52-завод сайлов участкасидан номзоди вилоят Советига депутатликка кўрсатилган 135-Узун пахта тозалаш заводининг директори Г. Жиянговга 60 ёшлардаги оппоқ соқолли отахон ҳазил аралаш шундай деб қолди: «Ўғлим, депутат бўлсанг, масжид қурдирасанми?» Директор ҳам ҳазил аралаш жавоб қилди: «Масжидни нима қиласиз? Шу пайтгача Деновга қатнаётгандингиз, бораверасиз-да ўша ёққа. Узоққа борсангиз, савоби кўпроқ». Отахон мулзам бўлди.

Қизиқ, дейман ўзимча, нега бирорта депутат ўз дастурига мафкуравий масалани киритмаган? Ахир таомилимиздаги унутилаётган кўплаб хусусиятларни пурҳикмат отахонлар масжидлардаги тоат-ибодатларда қалбларига жо этишяпти-ку! Шу директорга ўхшаган депутатлар уйига бош суққанида ўғли, хотини, борингки, коллективидагилар «Ассалому алайкум» деб кутиб олишадимикан? Ҳамма жойда бўлганидек, «Салом, дада», «Ҳа, келдингизми, дадаси?», «Салом, хўжайин», «Э, қалайлар», «Салом-салом», «Бормисиз, катта ака» ва ҳоказо сўзлар билан қаршилашса керак.

Ана шу тариқа таомилимиздаги калиманинг қудрати, фазилати йўқолмоқда. Қариндош-уруғ, ёру биродарлар ўртасида шу тариқа меҳр-оқибат кўтариляпти. Борди-келдилар ҳам ўзимизга эриш туюлмоқда. Ваҳоланки, меҳр сўзда, меҳр кўзда, меҳр иймонда.

Шодиёр МУТАҲҲАРХОН ўғли

